

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

“АХБОРОТ СОАТИ”
МАТЕРИАЛЛАРИ

Ҳафтанинг ижтимоий – сиёсий воқеалари
(2015 йил 04 - январдан 9-январ)

№18

Тошкент – 2015

Улуғвор янгиланишлар ва тараққиёт даври

- Шрифт ўлчами
- [Печать](#)
- [Эл. почта](#)

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон ўтган йилда ҳам улкан ютуқларга эришди.

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон халқига Янги йил табригида таъкидланганидек, тобора чуқурлашаётган глобал иқтисодий ва молиявий инқирозга қарамасдан, кейинги 11 йил давомида мамлакатимиз иқтисодиёти жаҳондаги камдан-кам давлатлар қаторида барқарор суръатлар билан ривожланмоқда, шу жумладан, 2015 йилда ҳам ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиши 8 фоиздан кам бўлмади, аҳоли реал даромадлари 9,6 фоиз, иш хақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдори 21,9 фоиз ошди.

Бундай юксак кўрсаткичлар Ўзбекистон танлаган, дунёда “ўзбек модели” дея тан олинган тараққиёт йўлининг нақадар тўғри эканлигини тасдиқлаб турибди. Зеро, унинг замирида жамиятимизни тубдан ислох этиш ва демократлаштириш, иқтисодиётни диверсификация қилиш ҳамда модернизациялаш, жаҳоннинг ривожланган демократик давлатлари сафидан жой олишдек олижаноб мақсадлар мужассамдир. ...Ҳатто бир инсон ҳаётида ҳам бир йил давомида қанчадан-қанча воқеалар рўй беради. Улар аввалги йиллар меваси, келажак тамал тоши. Энди ўтган 365 кун ичида бутун Ўзбекистонда юз берган воқеалар миқёсини бир тасаввур қилиб кўринг-а! Биргина бизнинг газетамизда уларнинг энг долзарбларига бағишланган тўрт мингдан зиёд хабарлар, мақолалар, репортажлар берилди. Кўришиб турибдики, 2015 йилда кўп ишлар амалга оширилди ва янги йил ҳам бу борада янада муваффақиятларга бой бўлиши, шубҳасиз. Боиси, поёнига етган йилда қўлга киритилган ютуқлар 2016 йил учун мустаҳкам базага айланди. Улардан энг муҳими, Президентимиз алоҳида тўхталиб ўтганидек, биз ҳар бир қадамимизда мустаҳкамлаб бораётган тинчлик ҳамда барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролар тотувлиги, умумий уйимиздаги ўзаро ҳурмат ҳамда эзгулик муҳитидир.

Буларнинг барчаси юртимизда ҳукм сураётган сиёсий барқарорлик самараси бўлиб, 2015 йили парламент сайловида фаол иштирок этган халқимиз катта масъулият билан уни сақлаш учун овоз берди. Ўтган йил янги қақриқдаги парламент, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ўз фаолиятини бошлади. 70 мингдан ортиқ маҳаллий ҳамда 340 дан зиёд хорижлик кузатувчилар, нуфузли халқаро ташкилотлар вакилларининг мутлақ катта қисми фикрича, сайлов жараёнлари очиқлик, сўз эркинлиги муҳитида халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва стандартларига тўла мос ҳолда ўтказилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари томонидан қонун чиқарувчи органлар аъзолари олдига бугунги кун талабларига асосланган ва келажакка йўналтирилган аниқ вазифалар кўйилди. Президентимиз томонидан белгилаб берилган ушбу асосий йўналишлар таркиби ўтган йил февраль ойида тасдиқланган Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ҳамда узоқ истикболга мўлжалланган ҳаракат Дастурига ҳам асос бўлиб хизмат қилди.

Яна бир муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови 29 март куни бўлиб ўтди. Унга катта тайёргарлик кўрилди. Республика Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улуғбек Абдусаломовнинг айтишича, Президент сайлови сифат жиҳатдан янги ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий шароитларда, сезиларли даражада ўсган партиялараро рақобат, аҳолининг сиёсий ҳамда фуқаролик фаоллиги муҳитида бўлиб ўтди. Ушбу жараённинг барча босқичи — бошидан-охиригача 300 га яқин кузатувчи томонидан синчковлик билан кузатиб борилди. Улар орасида бешта халқаро ташкилот вакиллари, шунингдек, мамлакатимиздаги тўртта партиянинг 35 минг нафар вакили бор эди. Хусусан, МДХ кузатувчилар миссияси якуний баёнотида кўра, Ўзбекистондаги сайлов Конституция, миллий сайлов қонунчилиги ва халқаро сайлов

андозаларига тўлиқ мувофиқликда ўтказилди. Сайловда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан кўрсатилган номзод Ислоҳ Каримов ёрқин ғалаба қозонди. Қатор хориж давлатлари ва ҳукуматлари, халқаро ташкилотлар ҳамда нуфузли жамоатчилик арбобларининг икки юзга яқин самимий табриклари “Халқ сўзи” газетаси саҳифаларида берилди. Сайлов жараёнлари даврида бошқа йўналишлардаги ишлар ҳам изчил давом эттирилди. Хусусан, йил давомида “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури ҳаётга кенг татбиқ этилди. Шу мақсадда умумий миқдори 2,24 триллион сўм ва 225 миллион АҚШ доллари сарфланди. Бу маблағлар ёши улуғ инсонларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, жумладан, уларга кўрсатиладиган тиббий ва ижтимоий хизматлар даражасини ошириш, қарияларни соғломлаштириш ҳамда маданий ҳордиқ чиқаришларини ташкил этиш ва бошқа тадбирларга йўналтирилди. Уларнинг ичида тўққиз мингга яқини юз ёшдан ошган мўътабар кишилардир. Дунёнинг етакчи ахборот марказларидан бирининг ҳисоб-китобиға қараганда, Ўзбекистон бу борадаги кўрсаткич бўйича дунёда олтинчи ўринда туради. Республикамизда олиб борилган чора-тадбирлар бутун дунё диққат-эътиборида бўлди. Чунончи, ёши катталарнинг ижтимоий муҳофазаси, уларни эъзозлаш ва ғамхўрлик кўрсатиш борасидаги чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотлар БМТ Бош Ассамблеяси сессиясининг расмий ҳужжати сифатида олти тилда, шунингдек, ЕХХТда тарқатилди. Ҳар доимгидек уруш ва меҳнат фахрийларига алоҳида эътибор ҳамда ғамхўрлик кўрсатилди. Хогира ва кадрлаш куни муносабати билан улар учун эсдалик юбилей медали таъсис этилиб, 9 май арафасида тантанали равишда пул мукофотлари билан бирга топширилди, турли тадбирлар уюштирилди. Таълим муассасаларида тинчлик дарслари ўтказилди. Ёш авлод вакиллариға осойишталик, тинчликнинг кадри, фаровон турмуш кечиришнинг аҳамияти тушунтирилди. Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 70 йиллигиға бағишланган тадбирлар доирасида Президентимиз Ислоҳ Каримов Россия ва Хитой раҳбарлари таклифиға биноан, ушбу мамлакатларға ташриф буюрди. Бу давлатимиз раҳбари йил давомида иштирок этган давлат, ҳукумат, халқаро ташкилотлар раҳбарлари билан кўплаб учрашувлардан бир мисол холос. Айтайлик, ўтган йили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби Пан Ги Мун мамлакатимизға расмий ташриф билан келди. Учрашувда у БМТ Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан манфаатдор эканлигини алоҳида қайд этди. Юқори мартабали меҳмон Президентимиз билан учрашувда Ўзбекистон Мингйиллик ривожланиш мақсадлариға эришиш, қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, таълим тизимини такомиллаштиришда улкан ютуқларни қўлга киритганини таъкидлади. Бир неча кундан сўнг мамлакатимизға Халқаро олимпия қўмитаси президенти Томас Бах бошчилигида делегация ташриф буюрди. ХОҚ раҳбари пойтахтимиздаги спорт муассасалари билан танишиб, тинчлик-осойишталик, иқтисодий-ижтимоий тараққиёт, таълим ва ёшлар масаласиға эътибор спорт ривожиди муҳим ўрин тутишини, ана шундай муҳит ҳамда шароит туфайли Ўзбекистонда спорт жадал ривожланиб бораётганини алоҳида қайд этди. Спортни ва олимпия ҳаракатини ривожлантиришдаги буюк хизматлари учун мамлакатимиз Президентига Халқаро олимпия қўмитасининг медали, шунингдек, Ўзбекистонда ва Осиёда футболни ривожлантиришға қўшган улкан ҳиссаси учун Осиё олимпия кенгашининг мукофоти топширилди. 2015 йилда спорт соҳасида эришилган ютуқлар, чиндан ҳам, салмоқли бўлди. Биргина олимпия спорт турлари бўйича ташкил этилган жаҳон чемпионатларида атлетларимиз томонидан рекорд миқдорда — 14 та олтин медаль қўлга киритилди. Янги йилға санокли кунлар қолганда эса ўзбекистонлик машҳур футбол рефериси Равшан Эрматов “Дунёнинг энг яхши ҳаками” деб топилди ва унга нуфузли “Globe Soccer Awards — 2015” мукофоти топширилди. У давлатимиз раҳбари томонидан “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланди. Ўтган йил иқтисодий соҳада ҳам муваффақиятларға бой бўлди. Президентимиз томонидан 2015 йил 15 майда

имзоланган “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу борада янги босқични бошлаб берди. Зеро, мазкур дастуриламал ҳужжат натижалари ва самаралари қисқа вақт ичида ҳаётда ўз инъикосини топди. Жаҳон банки Ўзбекистонни ишбилармонлик муҳитини ислоҳ қилиш бўйича дунёнинг етакчи ўнта давлати қаторига киритди. Яна бир нуфузли тузилма — Жаҳон иқтисодий форуми томонидан эълон қилинган рейтингда иқтисодиёти энг тез ривожланаётган давлатлар орасида мамлакатимиз 5-ўринга лойиқ кўрилди. Мазкур рўйхатда Ўзбекистон Ҳиндистондан уч, Хитойдан саккиз поғона юқоридан жой олди. Албатта, барқарор ўсиш суръатлари глобал молиявий инқироз ва салбий тенденцияларга қарамасдан, ана шундай юксак кўрсаткичларга эришишда ҳал қилувчи омил бўлди.

Халқаро ташкилотлар мутахассисларининг юқоридаги каби илиқ фикрларини тўлдирадиган биргина мисол: дунёнинг қатор давлатларида автомобиль саноати оғир вазиятга тушиб қолган бир пайтда Инвестиция дастурига мувофиқ, Хоразм вилоятидаги “GM Uzbekistan” заводида яна бир русумдаги автомашина ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Шундай қилиб, “Damas” ва “Orlando” моделлари қаторига “Labo” ихчам юк ташувчи транспорт воситаси кўшилди. Шунингдек, “Мароканд — Қарши” темир йўл участкаси қурилиб, электрлаштирилди. Натижада Тошкент шаҳри ва Қашқадарё марказини боғлайдиган йўналишда “Afrosiyob” тезюар поезди қатнови йўлга қўйилиб, бу шаҳарлар оралиғидаги 511 километрлик масофани уч соатда босиб ўтиш имконияти яратилди. Ваҳолонки, илгарилари бунинг учун икки баробар кўп вақт кетарди. Транспорт коммуникацияларининг жадал ривожланиши шарофати билан Буюк Британиянинг нуфузли “Экономист” журнали бўлинмаси — “Economist Intelligence Unit” (EIU) компанияси пойтахтимизни дунёнинг яшаш қулай бўлган шаҳарлари рўйхатига киритди. Тошкент инфратузилмаси, соғлиқни сақлаш, таълим даражаси, атроф-муҳит сифати бўйича ҳам энг яхши шаҳарлар қаторидан жой олди. Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон фақатгина пойтахти билан фахрланмайди. Истиклол йилларида диёримиздаги бошқа кўплаб шаҳарлар ҳам гуллаб-яшнамоқда. Хусусан, ўтган йили ёз фаслида Самарқандда ўнинчи марта “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали ташкил этилиб, унга дунёнинг 66 давлатидан меҳмонлар ташриф буюрди. Президентимиз Ислом Каримовнинг мазкур санъат форумининг очилишига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида таъкидланганидек, биз уларни нафақат муҳтарам меҳмонларимиз, балки ўз халқининг қалби ва руҳини мусиқа орқали ифода этадиган, уларнинг эзгу орзу-истаклари ва саломини етказадиган тинчлик ва дўстлик элчилари, ўзимизнинг энг яқин ва азиз дўстларимиз сифатида қабул қиламиз ва шарафлаймиз.

Жаҳон эътирофига қайтарканмиз, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия университети социологлари томонидан “Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари” мавзуида ўтказилган тадқиқот натижалари алоҳида диққатни тортади. Юртимизнинг барқарор тараққиёти, Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган аҳоли ҳаёт фаровонлигини изчил юксалтиришга қаратилган чуқур ислохотлар натижасида Ўзбекистон мазкур рейтингда 158 мамлакат орасида 44-ўринни, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ўртасида эса биринчи ўринни эгаллади. Бу эзгу эътирофнинг нақадар ҳаққонийлиги, айниқса, халқимиз мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллигини кенг қарши олаётган пайтда яққол кўринди. Энг улуғ байрамимиз “Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!” деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган кенг қўламли тадбирлар билан кутиб олинди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзида юртимиз барча соҳада қўлга киритган ютуқлар ҳақида фикр юритар экан, бунинг негизида, аввало, тинчлик ва осойишталикни сақлаб, азал-азалдан шундай фазилатларни кўз қорачиғидек асраб, ёш авлодимизни ана шу руҳда тарбиялаб келаётган халқимизнинг фидокорона меҳнати, ақлу заковати, мустаҳкам иродаси мужассам эканлигини

алоҳида

таъкидлади.

Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилган ишлар ўтган йилда эришилган ижобий натижалардан биридир. Бу кузда қишлоқ хўжалиги мавсуми якунида яна бир бор ўз тасдиғини топди. Бошқача айтганда, Президентимиз деҳқон ва фермерлар, сувчи, агроном ва механизаторларни, барча дала меҳнатқашларини ғалла, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича шартнома мажбуриятларини адо этгани учун самимий муборакбод этди. Улар томонидан ўтган йилда 7 миллион 500 минг тоннадан зиёд ғалла, 3 миллион 350 минг тонна пахта, 14 миллион 500 минг тоннага яқин сабзавот ва полиз, 4 миллион 300 минг тонна боғдорчилик маҳсулотлари етиштирилди. Яқин ўтмишда асосий озиқ-овқат маҳсулотларини четдан сотиб олган Ўзбекистон аграр сектордаги кенг кўламли ислохотлар шарофати билан уларни экспорт қилувчи етакчи давлатга айланди. Бу бозор ва дўконларимиздаги файзу баракани, нарх-навонинг меъёрида бўлишини таъминлашга катта ҳисса бўлиб қўшилди. Шуларга мос ҳолда республикамиз эришаётган муваффақиятлар, техник ва технологик ютуқлар ўтган йили олти ой давом этган ҳамда 140 дан ортиқ давлат қатнашган “Ехро Milano 2015” жаҳон кўргазмасида кенг намоиш қилинди. Унда Ўзбекистонга тегишли павильонда мамлакатимиз тараққиёти, улкан иқтисодий салоҳияти, қулай инвестиция муҳити, замонавий транспорт ва туризм инфратузилмаси, бой маданияти ҳақида ҳикоя қилувчи “Қуёш таъми” концепцияси тақдим этилди. Унга 700 мингга яқин киши ташриф буюрди. Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси — юртимиз билан глобал иқтисодий жамоатчилик ўртасида самарали ҳамкорлик мулоқотини ўрнатувчи яна бир майдонга айланди. Ўн биринчи бор ташкиллаштирилган ушбу тадбирда мингга яқин экспертлар, олимлар, трейдерлар, қирқдан зиёд мамлакатлар компаниялари ва фирмаларидан вакиллар қатнашди. Унинг якунида 700 минг тонна ўзбек пахта толаси ва маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотларини етказиб бериш бўйича 800 миллион АҚШ долларида ортиқ миқдордаги шартномалар имзоланди. Анъанавий тарзда ўтказиб келинадиган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг муддати иштирокчиларнинг илтимоси билан узайтирилди. Яъни ўтган йил октябрь — ноябрь ойларида тўққизинчи бор ташкил этилган мазкур форумда 20 минг турдан зиёд маҳсулотлар тақдим қилинди. Пировардида 11,5 триллион сўмлик шартномалар имзоланиб, 8 миллиард АҚШ долларида ортиқ миқдордаги экспорт келишувларига эришилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган Халқаро инвестиция форуми ҳам истиқболли лойиҳалар портфелини кўпайтириш имконини берди. Икки кун давом этган нуфузли тадбирда 33 мамлакат фирма ва компаниялари, инвестиция фондлари ҳамда банклар, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Осиё тараққиёт банки ва бошқа етакчи халқаро иқтисодий ҳамда молия институтларининг 560 вакили, олимлар, экспертлар нафақат ялпи мажлисларда иштирок этди, балки пойтахтимиз, Бухоро, Самарқанд, Навоий ва Фарғона вилоятларидаги саноат объектларига ташриф буюрди. Халқаро анжуман доирасида умумий қиймати 12,4 миллиард долларлик 100 дан ортиқ битим ва меморандумлар имзоланди. Мухтасар айтганда, мазкур ютуқлар улкан бунёдкорлик ишларининг навбатдаги босқичига асос бўлиши, шубҳасиз. Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси эса барчамизни ана шу янги марралар сари илҳомлантирди. Зотан, айнан унда “Соғлом она ва бола йили” дея эълон қилинган 2016 йилнинг аниқ мақсадлари ўз ифодасини топди. Энг муҳими, “Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади”, деган эзгу ғоя ҳаётимизда чуқур қарор топиб, ана шу улуғ ишга муносиб ҳисса қўшиш барчамизнинг муқаддас вазифамизга айланди. Давлатимиз раҳбарининг “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойиши қабул қилинди. Унда янги йилда алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган 12 та устувор вазифа белгилаб берилди.

...Хар биримиз янги умидлар ва орзулар билан таквимга назар ташлаймиз. Сўнгги пайтларда ижобий ўзгаришларга ўрганиб қолдик. Шундай экан, кириб келган йилдан ҳам қувончли воқеаларга бой, лиммо-лим фаровон ҳаёт кутамиз. Бинобарин, мамлакатимиз тақдирига ишонч ва масъулият билан ёндашган ҳолда, улкан ишларни амалга оширишга ҳамиша тайёрмиз. Президентимиз мард ҳамда танти халқимиз бундай юксак муваффақиятларнинг ижодкори ва бунёдкори эканлигини бежиз таъкидламади. Зеро, мустақил тараққиётнинг тўғри танланган йўли, оқилона раҳбарлик, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти янги ғалабалар, ўзгаришлар ва келажакка бўлган мустаҳкам ишонч учун пухта пойдевор яратади.

Ўзбекистон Олий Мажлиси делегацияси Германияда бўлди

- Шрифт ўлчами
- [Печать](#)
- [Эл. почта](#)

Бундестагнинг (ГФР парламенти) таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг делегацияси Германияда бўлди.

Ташриф доирасида Бундестаг, Бундесрат (ГФР давлат кенгаши) ва Бранденбург ландтаги (минтақавий қонунчилик органи) раҳбарияти билан учрашувлар бўлиб ўтди. Ўзбекистон вакиллари Германия парламентаризми, федерал ва ўлкалар даражасидаги вакиллик органлари фаолиятининг асосий тамойиллари ҳамда механизмлари, парламент назоратини амалга ошириш ва ҳокимиятнинг бошқа бўғинлари билан ўзаро ҳамкорлиги, қонун ижодкорлиги ишларининг ташкил этилиши тажрибаси ҳамда қабул қилинаётган қонуний ҳужжатлар бажарилиши самарадорлигининг тизимли таҳлили ва баҳолари билан танишдилар. Учрашув ҳамда музокаралар чоғида Ўзбекистон ва ГФР ўртасидаги парламентлараро муносабатларни кенгайтириш истиқболлари юзасидан атрофлича фикр алмашувлар бўлиб ўтди. Ўзбекистон делегацияси томонидан республикаимизнинг замонавий тараққиёти, амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, суд-ҳуқуқ ҳамда ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислохотлар, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати фаолияти хусусидаги атрофлича маълумотлар тақдим этилиши баробарида, Германия билан конструктив ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосидаги алоқаларни ривожлантиришдан Ўзбекистоннинг манфаатдор эканлиги маълум қилинди. Мамлакатимиз парламенти делегациясининг мазкур ташрифи Германия Федератив Республикасида юқори баҳоланди. Германия томони вакилларининг фикр билдиришларича, бу воқеа Ўзбекистоннинг жаҳондаги илғор тажрибани ўрганиш ва қўллаш асосида давлат бошқарувида парламент ролини янада оширишга бўлган содиқлигини яққол тасдиқлайди. Жумладан, Бундестагнинг “ГФР — Марказий Осиё” гуруҳи раиси Манфред ГРУНД Ўзбекистон мустақил ривожланиш йиллари давомида эришган салмоқли муваффақиятлар юқори баҳога сазовор эканлигини қайд этди. — Ўзбекистон ўзининг барқарорлиги билан ажралиб туради, — деди М. Грунд. — Бу эса мамлакат тараққиётидаги ўта муҳим омил ҳисобланиши билан бирга, сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларнинг давом этаётганидан ҳамда халқаро ҳамкорликнинг тобора кенгайиб бораётганидан далолат беради. Ўзбекистон парламенти делегациясининг мазкур ташрифи ГФР федерал ва ўлка парламентлари порталларида атрофлича ёритилди.

Ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш йўлида

7 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чикдилар.

Парламент куйи палатасининг мажлиси кун тартибига киритилган масалалар дастлаб сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатининг депутатлар гуруҳи йиғилишларида атрофлича муҳокама қилиниб, уларни янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилган эди.

Депутатлар “Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида”ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилдилар. Мазкур қонун лойиҳаси донорларнинг бир марта олинadиган донорлик қони ҳажми меъёрини ва қон топшириш даврийлигини тартибга солиш, шунингдек, текинга қон топшираётган шахсларни қўшимча моддий рағбатлантириш йўли билан мамлакатда донорликни янада ривожлантиришга қаратилган нормаларни кўзда тутади.

Шундан сўнг депутатлар муҳокамасига “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонун лоийҳаси биринчи ўқишда тақдим этилди.

Мажлисида қайд этилганидек, Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар айнан инсон омилини кучайтиришга, унинг манфаатларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Муносиб меҳнат шароитлари яратиш, меҳнатнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида давлат томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида муҳим аҳамият касб этади. Бу эса давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган жамиятни демократлаштириш ва модернизация қилиш жараёнларининг ажралмас қисмидир.

Амалдаги қонун қабул қилинганидан буён 22 йилдан зиёд вақт ўтди. Ўтган давр мобайнида меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларини тартибга солувчи, ушбу соҳада замонавий талабларни белгиловчи кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ҳужжатнинг мақсади қонун нормаларини янги қабул қилинган қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлаштиришдан, ташкилотларда иш берувчининг ҳамда ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бажариш бўйича масъулиятини оширишдан, махсус ваколатли ва бошқа давлат бошқаруви органларининг меҳнат шароитлари ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш юзасидан тегишли назоратни таъминлаш борасидаги вазифаларини белгилашдан иборатдир.

Қонун лойиҳаси халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларини, меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги соҳасидаги Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенциялари ва тавсияларини, 20 дан зиёд чет эл, жумладан, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Япония, Жанубий Корея ва бошқа давлатларнинг тажрибасини инобатга олган ҳолда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича амалдаги норматив базани такомиллаштиришга қаратилган.

Парламентнинг куйи палатаси аъзолари “Табиий монополиялар тўғрисида”ги ва “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини муҳокама қилиш билан ўз ишларини давом

эттирдилар.

Қонун лойиҳасида давлат ва хўжалик бошқарув органлари, тадбиркорлик субъектлари ҳамда хусусий мулк эгалари, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамоат бирлашмалари томонидан монополияга қарши давлат органи ва бошқа назорат органларининг қарорини (кўрсатмасини) ижро этишни тўхтатиб туришни сўраб нафақат суд органларига, балки бўйсуниб тартибида юқори турувчи органга ҳам шикоят қилиш ҳуқуқи кўзда тутилмоқда. Унга кўра, судга шикоят берилганида устидан шикоят қилинаётган қарорни ижро этиш суднинг қарори қонуний кучга киргунига қадар тўхтатиб турилади. Ушбу қонун лойиҳаси тадбиркорлик субъектлари ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш орқали мамлакатимизда бизнес муҳитини яхшилаш, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолатларини таъминлаш имконини беради.

Шунингдек, депутатлар “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги масалани кўриб чиқдилар.

Муҳокамалардан сўнг депутатлар қонун лойиҳаларини концептуал жиҳатдан маъқуллаб, биринчи ўқишда қабул қилдилар. Масъул кўмиталарга қонун лойиҳаларининг депутатлар, мутахассислар ва экспертлардан келиб тушган таклифларни инобатга олган ҳолда, кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлаш вазифаси топширилди.

Италиянинг “Ferrari” автомобилсозлик компанияси “Fiat Chrysler Automobiles” концерни таркибидан ажралиб чиққанини билдирди.

Бундай қарор итальян бренди ва русумининг ноёблигини сақлаб қолиш билан изоҳланмоқда. Лекин компания қимматли қоғозларининг асосий қисми “Fiat” акциядорларида қолади. Манбага кўра, Милан биржасидаги дастлабки вазиятдан келиб чиқилса, ҳозирча мазкур ташаббус ўзини оқлагани йўқ. Чунки “Ferrari” акциялари нархи бекарор бўлиб турибди.

Тўртта	элемент	киритилди
Менделеев жадвалига яна тўртта янги элемент киритилди. Бу ҳақда Япониянинг “Рикен” университети олимлари маълум қилди.		
Кашфиётларга 115, 116, 117 ва 118-рақамлари берилди. Мазкур хабарни Назарий ва амалий кимё халқаро иттифоқи ҳам расман тасдиқлади.		
Мутахассисларнинг айтишича, янги унсурлар сунъий йўл билан синтез қилинган. Улар заррачаларни тезлаштирувчи ҳисобланади. Ҳозирча элементларга “унунпентий”, “японий”, “унунсептий” ва “унуноктий” ишчи номлари берилган. Расмий номлар беш ой ичида аниқ бўлади.		

Қамровини кенгайтирмоқчи
Франциянинг телекоммуникация соҳасидаги етакчи компаниялари яна бирлашиш ниятида, дейилади “Евроњьюс” телеканални хабарида. Гап шундаки, мамлакатдаги йирик алоқа оператори — “Orange” айна шу масалада “Voужues Telecom” компанияси билан қайтадан музокара бошлаган. Унинг яқунланиш муддати ва кўзда тутилган шартлар ҳақида ҳозирча аниқ маълумот йўқ. Агар икки томоннинг фикри бир жойдан чикса, Франциядаги мобиль ва стационар телефон алоқаси бозорининг ярмидан кўпи мазкур брендлар назоратига ўтади. Лекин бу монополияга қарши кураш органлари эътирозига сабаб бўлиши, шубҳасиз. Чунки худди шу сабаб туфайли ўтган йили уларнинг бирлашиш бўйича ҳаракатлари яқунланмай қолиб кетганди.

Спортчи қизларга — Президент совғалари

Қарши шаҳридаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган 1 минг 594 нафар спортчи қизга Президентимиз совғаси — спорт кийимлари тантанали равишда топширилди.

Бу мамлакатимизда эртамиз эгаларини баркамол этиб тарбиялашга қаратилаётган юксак эътиборнинг яна бир ёрқин ифодасидир. Айтиш жоизки, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 2003 — 2015 йилларда ҳудудда 190 та спорт иншооти қурилиб, ёшлар ихтиёрига берилди. Бу каби юксак ғамхўрликлар туфайли, масалан, 2015 йилга келиб спортга ошно тутинган 6-18 ёшли қизлар сони 53,6 фоизга етди. Ваҳолонки, мазкур кўрсаткич 2011 йилда 34,2 фоиз эди. Бундай тадбирлар Қашқадарё вилоятининг бошқа туман ва шаҳарларида ҳам ўтказилиб, спорт билан мунтазам шуғулланаётган 16 мингга яқин қизларга Президент совғалари берилди.

Олимпиада йўлланмаси учун етарли бўлди

Хитойнинг Сяминь шаҳрида ўтказилган халқаро марафонда ҳамюртимиз Андрей Петров муваффақиятли иштирок этиб, жорий йил Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ташкил этиладиган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланмани қўлга киритди. Ушбу мусобақада йигирма етти минг нафардан зиёд атлет қатнашганини инобатга олсак, баҳслар нақадар кескин ва мурасасиз кечгани яққол ойдинлашади. Андрей белгиланган маррани 2 соату 17 дақиқа 48 сонияда босиб ўтди ва Олимпиада лицензияси меъёрини бажарди. Шу тариқа XXXI ёзги Олимпиада ва XV Паралимпия ўйинларига ўзбекистонлик спортчилар томонидан қўлга киритилган лицензиялар сони 51 тага етди.

Ўсмирларимиз

маҳорати

Қўл тўпи бўйича Ўзбекистон ўсмирлар ва қизлар терма жамоалари Сингапур мезбонлик қилган Жануби-Шарқий Осиё чемпионатида совриндор бўлди. Жумладан, қизлар терма жамоамиз мусобақада барча рақибини мағлубиятга учратиб олтин, ўсмирларимиз эса кумуш медаль билан тақдирланди.

Ахборот соати раҳбари

Тугалов А